2 8 ИЮН 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 121 (20. 988) 1991 йил 26 июнь, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

ЯЛПИ САФАРБАРЛИК

Тўрткўл райони хўжаликлари меҳнаткашлари табиий офат оқибатларини тезда бартараф этишга ҳаракат қилишяпти. Коммунист фаоллар оғир участкаларга бириктирилди. Шаҳар меҳнаткашлари ва талабалар деҳқонларга ёрдамга келишди. Далаларда тўпланган сувлар ариқ ва зовурларга қочирилди. Сизот сувлари яқин далалар атрофида зовурлар қазилди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига асосан давлат суғурта бошқаруви белгилаганидан ташқари, республика ва маҳаллий бюджетлардан ҳар бир оилага 300 сўмдан пул нафақаси ажратилиши меҳнат аҳлига кўрсатилган катта ғамхўрлик бўлди. Бу райондагилар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Шу кунларда район хўжаликларида, жумладан, Ильич номли колхозда ғўза ва бошқа экинларнинг қатқалоғини юмшатиш ишларига астойдил киришилган. 18 культиватор группа усулида ишлаб турибди. Бу усул экинларнинг бир текис ривожланишига ёрдам беряпти. Ҳозиргача биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи бригаданинг 200 гектардан ортиқ ғўзалари сифатли чопиқ қилинди.

Оилавий ижарачилар учун жамоа хўжалиги устахонасида 500 дан зиёд кетмонча-мослама тайёрланган. Бу масъулиятли ишда Каримбой Исаев, Зайнаб Ортиқова бошлиқ бригадалар, Р. Жўрабоев, Т. Мадаминов, З. Ўрозова, Қ. Раимбердиева, Ў. Собирова, У. Шониёзова, О. Бобожонова, Б. Матназарова, М. Маткаримова каби оилавий ижарачилар илғорлик қилмоқдалар.

О. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тўрткўл район «Дўстлик байроғи» рўзномаси муҳаррири.



ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

Юз берган табиий офат, кетма-кет ёққан ёмғирларга қарамай Гагарин районидаги «Советобод» давлат хўжалиги деҳқонлари пахтаден мўл ҳосил кўтариш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар ғўзаларга учинчи марта комплекс ишлов бердилар. Жамоа аъзолари ҳар гектар майдондан 32 центнердан ошириб ҳосил етиштириш учун интилаётирлар.

Шуниси қувончлики, бу ерда барча пахта майдонлари, яъни минг гектарга яқин экинзор ижарачиларга бўлиб берилган.

Хўжалик ижарачиларининг ғайрат-шижоати туфайли ғўзалар баравж ривожланмоқда. Яқинда хўжаликда хушхабар тарқалди. Ижарачи Абдураҳмон Жўраев деҳқончилик қилаётган пахтазорда ғўзалар ёппасига гулга кирди.

Суратларда: 1. Пахтакорлик касбини ардоқлаб келаётган деҳқон қизлари Момохол Раҳмонова билан Қизларбас Қулбоева. 2. Илғор механизатор Бозор Эсонқулов.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар.

(ЎзТАГ).

ҲИНДИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ БОШ ВАЗИРИ НАРАСИМХА РАО ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ҳиндистон жумҳуриятининг Бош вазиридек юксак лавозимни эгаллашингиз, шунингдек 70 ёшингиз муносабати билан қутловларимни қабул этгайсиз.

Ўзбекистон билан буюк Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланаверади ва иккала халқимизнинг манфаатларига фаол хизмат қилаверади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли лавозимда муваффақият, Ҳиндистон аҳолисига эса осойишталик, равнақ ва омон-эсонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

УРГАНЧ, 25 июнь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Хоразм вилоят Советининг сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Президентининг бозор муносабатларига ўтилиши сабабли аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тўғрисидаги фармонлари қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Хоразм вилоят ижроия комитетининг раиси А. Искандаров маъруза қилди.

Депутатлар Хоразм вилоят Советининг минтақадаги экология вазиятини яхшилаш масалаларига оид қарорлари айрим бандлари бажарилишини кўриб чиқдилар.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Советининг раиси, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 89-модданинг 5-қисмидаги «ва давлат ҳакамлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 102-модданинг:

9-банди қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«9) Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий суди, область ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раисини сайлайди. Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг раисини тайинлайди»;

20-банди чиқариб ташлансин.

3. 105-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети навбатдаги сессияларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан бир йилда камида уч марта чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Президенти, Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органининг ё бўлмаса Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида учдан бир қисмининг таклифига мувофиқ чақирилади».

4. 106-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи мажлисга сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай олдинги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан чақирилади».

5. 107-моддада:

Биринчи қисмидаги «Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Иккинчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эга».

6. 110-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарорларини имзолайди ва фармойишлар чиқаради».

7. 116-модданинг 1-қисми 5-бандидаги «Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 118—4-моддада:

6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раиси, Ўзбекистон ССР прокурори ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг раиси лавозимига номзодлар тақдим этади; Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси ва Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раисидан ташқари юқорида санаб ўтилган мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимномалар билан киради»;

7-банди қуйидаги мазмунда бўлган хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг ўринбосарларини, область ҳакамлик судларининг раисларини тайинлайди ва озод этади»;

11-банди қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«11. Ўзбекистон ССР гражданлигига қабул қилади, бошпана бериш тўғрисидаги масалани ҳал этади; Ўзбекистон ССР судлари томонидан ҳукм қилинган гражданларга амнистия бериш ва уларни авф этиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилади»;

9. IX бўлим ва 20-боб-нинг сарлавҳасидаги «ҳакамлик» деган сўзлар «ҳакамлик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 120-модда қуйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Олтмиш ёшдан ошмаган гражданлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси бўлиши мумкин. Айнан бир киши айнан бир лавозимда сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси бўла олмайди. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси — олтмиш беш ёшдан катта бўлмаслиги керак».

Ушбу модданинг амалдаги учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишлича тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

11. 174-модда қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал этиш Ўзбекистон ССР ҳакамлик судлари томонидан уларнинг ваколат доирасида амалга оширилади.

Ҳакамлик судларининг низоларни ҳал этишга доир фаолиятига бирорта идора, ташкилот ёки мансабдор шахснинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан ўн йил муддатга сайланади.

Қорақалпоғистон АССР ҳакамлик судининг раисини Ўзбекистон ССР Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси киритган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг ўринбосарлари, область ҳакамлик судларининг раислари Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг ҳакамлари, область ҳакамлик судлари раисларининг ўринбосарлари ва ҳакамлари Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси томонидан тайинланади.

Ўзбекистон ССР ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида белгиланади».

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

• Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясида

ҚИШЛОҚДАГИ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг деҳқончилик сиёсати масалалари комиссияси Бухорода кўчма мажлис ўтказди. Мажлисда партия ва совет ходимлари, хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислар қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов бошқарди.

Комиссия ҳозирги босқичда партия деҳқончилик сиёсатининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқди.

Партия ва ҳукуматнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш хусусидаги қарорларини ва жумҳурият Президентининг шу ҳақдаги фармонларини бажариш юзасидан Бухоро вилоят партия ташкилоти деҳқончилик сиёсати комиссиясининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Бухоро вилоятининг коммунистлари қишлоқдаги иқтисодий ўзгартишларга катта эътибор бераётганликлари, хўжалик юритишнинг кооператив, деҳқончилик-фермерлик, оилавий ва шахсий шаклларини ривожлантиришга фаол кўмаклашаётганликлари қайд этилди. Колхоз ва совхозларни ички хўжалик ижарасига ўтказишга зўр аҳамият берилмоқда. Бу соҳада аниқ мақсадни кўзлаб қилинган ишлар вилоят қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 1990 йилда 723,3 миллион сўмликка етказиш ёки 1988 йилга нисбатан олти фоиз кўпайтириш имконини берди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда шахсий ёрдамчи, деҳқончилик ва фермерлик хўжаликлари алоҳида роль ўйнамоқда. Чорвачиликда янги хўжалик муносабатларига ўтиш жараёни айниқса фаол кечмоқда. Ҳозир қишлоқ оилаларининг 62 фоизи чорвачилик хўжаликларини йўлга қўйишга етарли равишда ёрдам берилмаяпти. Моддий-техникавий таъминот яхши уюштирилмаганлиги, кўпгина ҳуқуқий ва бошқа масалалар ҳал этилмаганлиги натижасида деҳқончилик хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашувчи соҳаларни барпо этиш ишига эндигина киришилди.

Муҳокама этилаётган масалани ривожлантириб, комиссия аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг деҳқончилик сиёсати жумҳурият айрим районларида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ҳамда қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш соҳасида қандай амалга оширилаётганини муҳокама қилдилар.

1989 йилнинг августидан буён жумҳуриятда 600 мингдан кўпроқ оила биринчи бор ер олганлиги, бир ярим миллиондан кўпроқ оила эса мавжуд томорқа участкаларини анча кенгайтирганлиги таъкидлаб ўтилди. Бунинг учун 287 минг гектар ҳайдаладиган ер ажратиб берилди. Эндиликда томорқа ерлари ярим миллион гектардан ошиб кетди.

Шунга қарамай, буларнинг ҳаммаси шахсий ёрдамчи хўжаликларни тиклаш соҳасидаги ишларнинг бошланиши, холос. Қишлоқларни ободонлаштириш, якка тартибда уй қурувчиларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш соҳасидаги кўпгина масалалар ҳали ҳам ҳал бўлмай турибди. Ажратиб берилган ерлардан самарали фойдаланиш, уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш ҳам муҳим масаладир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг деҳқончилик сиёсати масалалари комиссияси Ғузор, Жарқўрғон, Октябрь ва Сирдарё районларидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқди.

Комиссия аъзолари қайта ишлаш тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш ва чоғроқ корхоналар қуриш соҳасида жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуининг партия комитетлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор бердилар.

Партия комитетлари кейинги йилларда қайта ишлаш тармоқларининг моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирганликлари қайд этилди. Ҳозир жумҳуриятда хом ашё зоналарида, асосан, кичик заводлар ва цехлар қуриш ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлайдиган чоғроқ корхоналарни жойлаштириш йўли қарор топди. Кейинги икки йил ичида бундай корхоналар икки баравар кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида улар 53 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарди, бу эса 1987 йилги даражадан тўрт баравар ортиқдир.

Бу ишда Андижон, Наманган ва айниқса Хоразм вилоятининг партия ташкилотлари ҳамда деҳқончилик-саноат комитетлари тўғри йўл тутдилар. Чоғроқ қайта ишлаш корхоналарини қуриш ва бутлаш учун маҳаллий ремонт ва машинасозлик заводлари, лойиҳа институтлари ва конструкторлик бюролари сафарбар этилди. Бу йил мазкур вилоятлар жамоа ва давлат хўжаликларининг консерва заводлари 50 миллион шартли банка мева-сабзавот консервасини ишлаб чиқаради, бу эса жумҳурият хўжаликларида ишлаб чиқариладиган жами консерванинг ярмига тенг бўлади.

Шу билан бирга, қайта ишлаш тармоқларидаги ишларнинг аҳволи таҳлилидан маълум бўлишича, партия комитетлари ва хўжалик идоралари кўраётган чоратадбирлар корхоналарни қуриш ва таъмирлаш ишини тузукроқ яхшилашга ҳамиша ҳам олиб бораётгани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI—XII пленумлари белгилаган кўпгина тадбирларни амалга ошириш кечикиб кетмоқда.

Асбоб-ускуналар ва бутлаш линиялари мутлақо етишмаётганлиги бу ишни орқага сураётган жиддий омилдир. Ўтган йил учун жамоа ва давлат хўжаликлари талаб қилган 1157 та асбоб-ускуналардан улар ҳеч бирини олганлари йўқ. Бу йил ҳам аҳвол мана шундай.

Хом ашё етказиб берувчи корхоналар билан қарор топган алоқалар кейинги йилларда узилиб қолганлиги жамоа ва давлат хўжаликларидаги консерва корхоналарининг қанд-шакар, сирка ҳамда бошқа асосий ва ёрдамчи материаллар билан таъминланишига анчагина путур етказди.

Бу йил хўжаликларга 80 миллионта шиша идиш керак. Амалда бор-йўғи 23 миллионта идиш олинди. Бу эса ишлаб чиқариш режаларининг бажарилишини хавф остида қолдиради, хом ашёнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб боради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг деҳқончилик сиёсати масалалари комиссияси бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам муҳокама қилди.

(ЎзТАГ).

• Ҳаракатда баракат

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ЎЙЛАБ

Ўзбекистон ССР Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Фармонини бажара бориб, Қорақалпоғистон партия, совет ва хўжалик органлари меҳнаткашларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан қатор амалий тадбирларни рўёбга чиқармоқдалар. «Жумҳуриятда оила-деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш» тўғрисидаги республика партия комитети ва Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 23 октябрдаги қарори партия-хўжалик фаоллари йиғилишида, район партия комитетлари бюро мажлисларида муҳокама қилинди.

Хўжалик юритишнинг ана шундай усулини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида оила-деҳқон (фермер) хўжаликлари раҳбарларининг жумҳурият слёти ўтказилди. Оила-деҳқон хўжаликлари илғорларининг зоналар бўйича семинар-кўргазмалари, 1990 йилнинг июль ойида эса Қорақалпоғистон хўжаликлари базасида Ўзбекистон жумҳурият семинар-кўргазмаси ўтказилди. Жумҳурият фермер хўжаликлари бир гуруҳ раҳбарларининг Финляндияга сафари уюштирилди. «Совет Қарақалпоқстани» ва «Советская Каракалпакия» рўзномаларида ойида икки марта оила-деҳқон (фермер) хўжаликларининг илғор тажрибалари, ҳал этилмаган муаммолар ёритиб борилаётир.

Фермер хўжаликларига раҳбарлик қилиш истагини билдирган кишиларнинг аризалари совет ва хўжалик органлари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб, ер ва банк кредитлари ажратиб берилди. Натижада 1990 йилнинг охирига бориб фермер хўжаликларининг сони 1172 тага етди, уларда 13400 та қорамол, шундан 6200 таси сигир, 390 та от, 71 та туя, 4800 та қўй ва эчки, 1530 та ўчқа бор.

Ўтган йили фермерлар давлатга 891 тонна гўшт, 9838 тонна сут топширишди. Беруний районида сут топшириш 34,1 фоиз, Элликқалъа районида 31,5 фоиз, Кегайли районида 30,3 фоиз, Чимбой районида эса 25,8 фоизни ташкил этди.

Кўпгина фермерлар ўз ишларини муваффақиятли бошладилар. Улар орасида Хўжайли районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Турсунбой Исмоилов ўтган йили давлатга эллик тонна гўшт ва икки юз тонна сут топширди. Бу йил у гўшт топширишни олтмиш тоннага, сутни икки юз эллик тоннага етказмоқчи.

Қорақалпоғистонда Ўзбекистон ССР Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган фармонларининг бажарилиши юзасидан ҳам қатор ишлар олиб борилаяпти. Шу йил бошидан буён қишлоқ жойларда 2234 гектар томорқа участкалари берилди. Бугунги кунда ана шундай майдонлар 95291 та хўжаликда 26955 гектар ерни ташкил этади. Ҳар бир хонадонга ўртача 28 гектар ер тўғри келади. Бундан ташқари район марказларида яшовчиларга 1491 гектар томорқа ажратилди. Бу, айниқса, Тахтакўпир, Қораўзак, Шуманай, Эллиққалъа, Нукус районларида яққол кўзга ташланади.

Томорқа участкаларида сабзавот, мева, дон ва бошқа экинлар экиш юзасидан

(Давоми иккинчи бетда).

• «ОЙНАИ ЖАҲОН» ҚАРШИСИДА

«ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДА»

Яқинда Марказий телевидениенинг эндиликда машҳур бўлиб кетган «Сиёсий мулоқотлар» рукни остида берилган, кейинчалик Узбекистон телевидениеси орқали ўзбек тилида намойиш қилинган икки қисмдан иборат «Имконият чегарасида» кўрсатуви ойнаи жаҳон мухлисларининг эътиборини ўзига тортди. Кўрсатувда иштирок этган Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов қайта қуришнинг ҳозирги босқичида республикамизнинг иқтисодий ривожланиши, партия комитетлари ва жамоат ташкилотларнинг миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш борасида қилаётган ишлари, иқтисодиёт ва сиёсатдаги устун йўналишлар, хорижий мамлакатлар билан алоқалар тўғрисида сўзлаб берди.

Телевизион мусоҳаба давомида Иттифоқимиздаги неча миллионлаб томошабинлар жумҳуриятимизда ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғри изга солинаётгани, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турмуш муаммолари босқичма-босқич бартараф этилаётгани, миллий масалалар жўяли, пухта ўйлаб ҳал этилаётганига ишонч ҳосил қилдилар. Мазкур кўрсатув мамлакатимиз томошабинларига халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти ҳақида нисбатан холисона ва бирмунча тўлароқ тасаввур берди. Айтиш мумкинки, жумҳуриятимиз Президенти — ҳам партия ва давлат арбоби, ҳам оддий бир инсон сифатида миллионлаб томошабинлар учун янада яқинроқ бўлиб қолди. Кўрсатув бошидаёқ И. А. Каримов ҳар бир ватандошга мурожаат қилаётгандек яшашнинг маъноси ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилади:

— **Яхшилик қилинглар, яхшилик... Ҳимматли бўлинглар, ҳамиша хайрли иш қилинг, у ҳеч қачон зое кетмайди. Зеро, одамларга қилган яхшилигингиз ўзингизга, албатта, қайтади. Саховатли бўлишни зинҳор унутманг. Вақт ганиматда инсон зоти учун эсда қоларли яхши ишларга қўл урингки, у унутилмасин. Ҳадемай нафақа ёшига етиб, кўнгилга тугиб қўйган эзгу ният, хайрли режаларингизни амалга оширолмай, кейинчалик бунга имкон тополмай, армонда кетманг. Узим ҳам бу нарсани ҳамиша ёдда тутаман, шу ният билан яшайман. Хаёлимни, ўйимни банд этган ҳам мана шу халқим ташвиши, унинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш орзуси. Мана сиз орзуингиз нима, дедингиз. Ягона орзуим — халқимга муносиб фарзандлик бурчимни ўташ, унинг дардига малҳам бўлишдир...**

Шундай бўладики, инсон бир лаҳза, бир соат, бир кунда ҳам ўз ақл-идроки, маҳорати, журъати ва жасорати билан тарихга лойиқ ишларни уддалаши мумкин. Шундай инсонлар борки, бутун иродаси, ақл-заковатини бир ерга жамлаб, шиддат билан ишга киришади. Воқеалар ривожини чуқур таҳлил қилиб, жумбоқларни ечишга дадил интилади. Ислом Абдуғаниевич ана шундай инсонлар тоифасидан. Унинг, айниқса, Бўқада юз берган мудҳиш воқеалар чоғида, зиддиятли дамларда жафокаш халқ олдига бориб зудлик билан чора-тадбирлар кўрганида раҳбарларга хос ташкилотчилик салоҳияти ёрқин намоён бўлди. У эл бошига мушкул иш тушиб, оғир вазиятда қолган бир пайтида одамлар ҳузурига бориб, танг аҳволдан чиқиш йўлларини излаб, ишга киришиб кетди. Халқ эса буни тез илғайди, муносиб ва аниқ баҳо беради.

Кўрсатув давомида И. А. Каримовнинг йўл-йўлакай раҳбар ходимнинг маънавий қиёфаси, ташкилотчилик қобилияти, билимдонлиги, сабр-тоқатлилиги, талабчанлиги ҳақида билдирган фикрлари ҳам диққатга сазовордир.

Кўрсатувда иштирок этган Самарқанд вилояти партия комитети биринчи котиби П. Абдураҳмонов «Совпластитал» фирмасининг бош директори А. Мелькумов, Самарқанддаги жоме масжиди имоми, бир фермер, ички ишлар вазири ва бошқалар жумҳурият Президентининг адолатли иш тутиши, бу сиёсатнинг самаралари ҳақида ишончли далиллар келтириб сўзладилар.

Кўрсатувга киритилган видеолавҳалар жумҳуриятимизда барқарорлик вазияти ҳукм сураётганидан далолат бериб турибди. Масалан, фаоллар кенгашидан олинган бир лавҳа И. А. Каримовнинг қайта қуриш позициясида собитқадам турганини равшан ифодалайди. У мажлис аҳлига мурожаат қилиб, шундай дейди:

— **Ё сиз маълум бир мавқени эгаллаб мен олиб бораётган, партиямиз олиб бораётган сиёсатни ҳаётга жорий этасиз, уни амалга оширишга астойдил киришасиз, ё бўлмаса бошқача гаплашишга тўғри келади. Биз бошлаган хайрли ишларга, ҳаётимизга кириб келаётган ислоҳотлар йўлига ғов бўлманг!..**

«Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» партияси намояндаларининг ҳам суҳбатга жалб этилгани диққатга сазовор. Уларга жумҳуриятнинг иқтисодий ва социал ҳаёти, унинг истиқболи ҳақида фикр билдиришлари учун тўлиқ имконият яратилди.

Президентимизнинг фикрича, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллиги, мухолифларнинг бўлиши табиий ҳолдир. Бироқ мухолифлар амалий фаолият кўрсатсинлар, ҳамма нарсани қуруқ иккор этавермай ёки қилдан қийиқ ахтаравермай, фойдали иш тутсинлар. Фақат камчилик изламаб, борни йўқ қилиб, бошқаларни бадном қилиш йўли билан ҳокимиятга интилиш нотантиликдир.

Президент туғилиб ўсган маскан, унинг шахсий ҳаёти, оилавий турмуши томошабинларни қизиқтириши табиий. «Оиламни — ҳаётимнинг таянчи, яъни ўзимга суянчиқ деб ҳис этаман, — дейди у мухбир билан суҳбатда. — Уни ҳамиша менга қувват берувчи мададкорим, деб биламан. Энг муҳими, қандай оғир вазиятга тушмай, улар доимо мен билан. Улар мени мудом қўллаб-қувватлашларига ишончим комил...».

Ислом Абдуғаниевич Иттифоқ томошабинларига Ўзбекистон ҳудудида юришлар ва намойишларни таъқиқловчи қонунни изоҳлаб берди:

— **Бизда намойишлар таъқиқланган, лекин ёпиқ бинолларда митинглар ва барча йиғилишларга рухсат этилган. Инсон ҳуқуқлари ҳақида қайғурар эканмиз, кўпчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилишимиз керак. Кўпчиликнинг манфаати йўлида айрим митингбоз кишиларнинг манфаатлари баҳридан ўтишимиз керак. Бизнинг минтақамиздаги митинглар одатда ур-йиқитларга, ўт қўйишларга, айрим миллатчилик хуружларига, миллатлараро кескинликларга айланиб кетиши мумкин. Кейин эса бу жараённи бошқариб бўлмай қолади. Кенг кўламли демократия ҳақида гапиришдан олдин у бошқарила оладиган демократиями ёки йўқми, сен жараёнларни бошқарасанми ёки жараёнлар сени бошқарадими, шуни обдон ўйлаш керак.**

Бинобарин, мамлакатимизда рўй бераётган кўнгилсиз воқеаларнинг жуда кўпи бошқарувдан четга чиқиб кетилганининг оқибатидир. Арманистон, Озарбайжон, Гуржистон, Болтиқбўйи жумҳуриятларида турли можаролар содир бўлди. Фарғона ва Ўшда ҳам шунга ўхшаш воқеалар юз берди. Масала нечоғли оғир, таҳликали бўлишига қарамай, уни бартараф этишга муваффақ бўлинди. Чунки унга тўғри сиёсий баҳо берилди. Бу воқеаларнинг асосий сабаби халқнинг қаноатланмаётгани, турмушнинг тобора ёмонлашиб бораётганида эди. Аввало халқ оммасида ишонч туғдириш, меҳнаткашлар аҳволини енгиллаштирадиган амалий ишга тезроқ ўтиш лозим эди. Қисқа муддатларда Президент Фармонига кўра муҳтож аҳолига ер берилди, уруш ва меҳнат фахрийларига, нафақахўрларга, кўп болали оилаларга, ўқитувчиларга қўшимча имтиёзлар яратилди, маош оширилди, ўқувчиларга бепул нонушталар ташкил этилди.

Миллий қадриятларимиз тиклана бошлади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Наврўз миллий байрам сифатида кенг нишонланадиган бўлди, виждон эркинлигига амалда йўл берилди. Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган жойларда миллий маданият марказлари, келиштирувчи ҳайъатлар тузилди.

Кўрсатувда Президентимизнинг иқтисодий дастури, биздаги мулкчилик турлари, ишбилармонлик, якка тартибда ишловчилар, фермер деҳқон хўжаликлари, жаҳон бозорига чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилди. Таниқли журналист В. И. Вишневский бошлиқ Марказий телевидение ижодкорлари холис ният билан, жумҳуриятимизнинг ҳозирги ҳаётини анча ўрганиб ишга киришганликлари сезилиб турибди. Кенг жамоатчиликка мўлжалланган катта ҳажмдаги кўрсатув камчиликлардан ҳам холи эмас. Қайтариқ фикрлар ва кадрлар учраб туради. Баъзи жойларини электрон монтаж давомида қисқартириш мумкин эди. Тошкентнинг жин кўчаларини қайта-қайта таъкидлаб кўрсатишдан турлича маънони уқиш мумкин... Шунингдек, Ўзбекистондаги айрим корхоналарнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларини меъёридан ошириб реклама қилиш ҳам бизга маъқул бўлмади. Суверен бир жумҳурият Президенти қатнашаётган кўрсатувда рекламага бу қадар кўп жой ажратилиши ноўриндир. Асосан реклама туфайли кун кўрувчи Америка телевидениесида ҳам мамлакат Президенти телевидение орқали чиққанида реклама берилмайди.

Марказий телевидениенинг мазкур кўрсатуви таржима қилиниб, бир оқшом ўзбек тилида намойиш этилгани ҳам айни муддао бўлди. Иттифоқимиз «ойнаи жаҳони»нинг Ўзбекистонга бағишланган турли кўрсатувлари изчил давом этади, халқимиз ҳаёти, унинг машаққатли меҳнат фаолияти мунтазам ёритиб борилади, деб умид қиламиз. Зеро, Марказий телевидениенинг битта канали миллий жумҳуриятлар учун ажратиб қўйилса, «ойнаи жаҳон»да қардошларимиз ҳаётидан, бугунги турмушидан ҳам воқиф бўлиб турсак кошкийди.

А. КАРИМОВ.

Тошкент давлат дорилфунуни телекўрсатув ва радиоэшиттириш кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди.

СССР Вазирлар Маҳкамасида

1991 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар вагонлар ва контейнерларнинг меъёрдан ортиқча бекор туриб қолиши учун жарималар миқдори беш баравар кўпаяди. СССР Вазирлар Маҳкамаси темир йўл вагонларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда юк жўнатувчилар, юк олувчилар, шунингдек темирйўлчларнинг ўзаро масъулиятини ошириш мақсадида ана шундай қарор қабул қилди. **(ТАСС).**

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 15 ИЮНДАГИ 362-СОНЛИ ҚАРОРИ

1991 ЙИЛ ИЮЛЬ—ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА ВАГОНЛАР ВА КОНТЕЙНЕРЛАРНИНГ МЕЪЁРДАН ОРТИҚ БЕКОР ТУРИБ ҚОЛИШИ УЧУН ЖАРИМАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Темир йўл вагонларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда юк жўнатувчилар, юк олувчилар ва темир йўлнинг вагонлар ҳамда контейнерлар меъёрдан ортиқ бекор туриб қолиши учун ўзаро масъулиятини ошириш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

ССР Иттифоқи темир йўлнинг СССР Вазирлар Кенгаши 1964 йил 6 апрелдаги 270-сонли қарори (ССР қонунлари тўплами, 1964 йил, 5-сон, 36-модда; 1969 йил, 18-сон, 105-модда; 1974 йил 17-сон, 99-модда; 1979 йил 13-сон, 86-модда) билан тасдиқланган низомномасида кўзда тутилган:

156, 156(1), 156(2) ва 157-моддаларга мувофиқ юк ортиш, юк туширишёки қайта юклаш учун берилган вагонлар ва контейнерларни белгиланган муддатдан ортиқ ушлаб турганиучун юк жўнатувчилар ва юк олувчилар тўлайдиган жарималар;

50 ва 92-моддаларга мувофиқ юк ортиш ва туширишучун вагонларни беришни, юк ортиш ва туширишжойидан вагонларни олиб кетишни кечиктирганлик учун темир йўл тўлайдиган жарималар миқдори 1991 йил 1 июлдан 31 декабргача бўлган даврда беш баравар оширилсин.

СССР Бош вазири В. ПАВЛОВ.

СССР Вазирлар Маҳкамаси Ишлар бошқарувчиси И. ПРОСТЯКОВ.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

СССР давлат банкининг 1991 йил намунасидаги 1 сўмлик банк билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

СССР Давлат банки 1991 йил 27 июндан бошлаб СССР Давлат банкининг 1991 йил намунасидаги 1 сўмлик банк билетларини муомалага чиқаради.

СССР Давлат банкининг 1991 йил намунасидаги 1 сўмлик билети 1961 йил намунасидаги 1 сўмлик давлат хазина билети асосий тасвирларидан фойдаланиб, унинг ранги ва матнларини ўзгартириб тайёрланган, қорамтир беш қиррали юлдуз ва қорамтир эгри чизиқлар бутун билет бўйлаб бир текис жойлашган сув белгили оқ қоғозга босилган.

Мазкур банк билетлари ҳозир муомалада бўлган пуллар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, жамоа хўжаликлари ва айрим шахслар томонидан тўловларнинг ҳамма турларига, шунингдек банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналарида жорий, ҳисоб-китоб варақаларига, омонатларга, аккредитивларга ўтказиш ва жўнатиш учун унда кўрсатилган қийматига биноан ҳеч қандай чеклашсиз қабул қилиниши шарт.

1961 йил намунасидаги 1 сўмлик СССР давлат хазина билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада қолаверади ва барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоа хўжаликлари ва айрим шахслар томонидан тўловларнинг ҳамма турларига, шунингдек жорий, ҳисоб-китоб варақаларига, омонатларга, аккредитивларга ўтказиш ва жўнатиш учун унда кўрсатилган қийматига биноан ҳеч қандай чеклашсиз қабул қилиниши шарт.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

тадбирлар кўриляпти. Бу борада Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё ва Хўжайли районлари аҳолиси ибрат кўрсатмоқда. Бу районларда етиштирилаётган маҳсулотлар Нукус шаҳри бозорларида муқим сотилаётир.

Жумҳуриятда шахсий хўжаликларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Шу йилнинг бошида 219 минг қорамол, шундан 107 минги сигир, 123 минг қўй, 80 минг эчки, 8,7 минг от, 2,8 минг туя бўлиб, ўтган йили давлатга 3854 тонна гўшт, 7540 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар топширилди. Бу хўжаликларни янада ривожлантириш мақсадида кўплаб ем ажратиляпти. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда зооветеринария хизмати ҳам яхшиланиб бораётир. Ҳозирги вақтда хўжалик ҳисобидаги эллик битта зооветеринария пункти ишлаб турибди.

Бу йил Тахтакўпир районидаги чўпонларнинг томорка участкаларига қишлоқ хўжалик экинлари экиб, тажриба қилиб кўрилмоқда. Ҳосил чўпонлар ўртасида таксиманади. Бундай тажриба жумҳуриятнинг бошқа қўйчилик, чорвачилик давлат жамоаларида ҳам қўлланилади.

Ҳар бир районда деҳқонларга хизматни ташкил этиш учун хўжалик ҳисобидаги механизациялашган корхона ташкил этилади. Бундан ташқари жойларда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва қуритадиган кичик корхоналар қуриш юзасидан ҳам ишлар олиб борилаётир. Бу борада, айниқса, Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз, Беруний районидаги Беруний номли, Нукус районидаги «Партия XXVII съезди», Чимбой районидаги К. Авезов номли, Қораўзак районидаги «Маданият» совхозлари намуна бўлишяпти.

Амударё районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида ва бошқа қатор хўжаликларда тегирмон, жувозлар ишлаб турибди. Бу йил ғалла, маккажўхори, кунжут ва бошқа экинлар майдони анча кенгайди. Шу муносабат билан жойларда тегирмонлар, жувозлар қуриш ҳам кенгаяди.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ЎЙЛАБ

Ҳозирги пайтда жамоа ва давлат хўжаликларида 1312 километрли водопровод тармоғи бўлиб, аҳолининг йигирма тўрт фоизини қамраб олган. Шулар ҳисобга олиниб, кейинги йилларда қирқ иккита хўжаликда сувни чучуклаштириб берадиган икки юз йигирма учта «ЭКОС—50» қурилмаси фойдаланишга топширилди. Бу йил яна юзта ана шундай қурилма қуриш мўлжалланяпти. Тахтакўпир районидаги Ленин номли ва Мўйноқ районидаги «Оққалъа» совхозлари марказида яшовчи аҳоли чучуклантирилган сувдан баҳраманд бўлаётир.

Жумҳуриятда аҳолини табиий газ билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Масалан, Хўжайли районидаги «Амударё» давлат хўжалиги, Ленин номли колхоз, Шўманай районидаги Гагарин ва Киров номли совхозлар, Тўрткўл районидаги Ильич номли, «Коммунизм» колхозлари ва «Пахтаобод» совхози тўқсон-тўқсон беш фоиз табиий газ билан таъминланган.

Чимбой, Қўнғирот, Хўжайли, Кегайли, Тахтакўпир районларида уй-жойларни меҳнаткашларга текин бериш яхши йўлга қўйилган.

Шундай одамлар ҳам борки, улар ёлғиз яшаётган кексаларга, уруш ногиронларига ҳайр-эҳсон ва ҳимат кўрсатиб, бошқаларга ибрат бўлаётирлар. Нукус районидаги Куйбишев номли ўрта мактаб ўқитувчиси, КПСС аъзоси Олланиёз Ўтениёзов 1959-1990 йиллар мобайнида ўзининг меҳнат таътили чоғида ўз маблағи ҳисобига меҳнатга қобилиятсиз кишилар учун ўттизта уй-жой қуриб берди. У ўғли Ажиниёз билан қадрдон «Нукус» совхозида 130 ўринли иккита боғча, иккита гиббиёт пункти, кутубхона ва мактабни бепул қуриб берди.

Эндиликда жумҳуриятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан 175 та саноат корхонаси шуғулланмоқда. Бундан ташқари кўплаб кичик корхоналар ишлаб турибди. «Тўрткўл» районидаги Ильич номли, Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозларида, Беруний районидаги Охунбобоев номли совхозда ғишт тайёрлаш цехи ишлари таҳсинга лойиқ.

Жумҳуриятда Ўзбекистон ССР Президентининг ўқитувчилар ижтимоий аҳволини яхшилаш бўйича фармонини бажаришга ҳам алоҳида эътибор билан қараляпти. 6055 нафар бошланғич синфларнинг ва 21504 нафар юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақи оширилди. Халқ таълими ходимларига қўшимча имтиёзлар берилмоқда.

Ўтган йили совхозлар меҳнат жамоалари кенгашлари, колхозлар бошқарувлари қарори билан 1489 нафар фахрийнинг пенсиясига қўшимча 185,4 минг сўм тўланди.

Кўпгина меҳнат жамоалари раҳбарлари ўз ходимларининг турмуш шароитини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар кўрмоқдалар. Масалан, Маҳаллий саноат вазирлиги ҳар бир ходимнинг овқатига ойига ўттиз сўм, Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси эса олтмиш сўм компенсацияга қўшимча ҳар бир ходимга йигирма сўмдан ажратишга қарор қилди, Чимбой пахта тозалаш заводи жамоаси «Меҳр-шафқат» ташкилотига ёрдам тариқасида тўрт ярим минг сўм пул ўтказди. Кейинги икки йилда ногиронлар уй-жойларини ремонт қилиш учун саккиз ярим минг сўм ажратди. Корхона ҳисобидан икки пенсионер уйи ремонт қилинди.

Жумҳуриятда бундан ташқари ҳарбий хизмат муддатини ўтаб қайтганлар, ногирон бўлганлар оилаларига ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Умуман, Қорақалпоғистон партия, совет, хўжалик органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа эканлигини ҳис этиб, фуқаролик бурчларини адо этиш учун ҳаракат қилишмоқда.



Олтинкўл районидаги Қўштепа қишлоғида спорт буюмлари фабрикаси ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ қисқа вақт ичида корхона аҳли истеъмолчилар эътиборини қозонишди.

Ҳозир бу ерда икки, тўрт ва олти кишига мўлжалланган сайёҳлик чодирлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг катта қисми Латвия, Украина ва РСФСРнинг бир қатор вилоятларига жўнатиляпти. Қишлоқ корхонаси аҳли йил охиригача 4 миллион сўмлик чодир ва бошқа спорт буюмлари тайёрлашга аҳд қилишган.

СУРАТДА: фабрикада тайёрланган чодирлар намуналари.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

• *Муштарий таклиф қилади*

Ҳуқуқшунослик ойномаси лозим

Ҳуқуқий давлат қураётган жумҳуриятимизга махсус журнал керак. Мураккаб халқ хўжалиги механизми ва ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқнинг роли тобора орта боради. Аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш каби вазифаларни ҳаёт кўндаланг қилиб қўймоқда. Яқинда жумҳуриятимиз юридик жамоатчилиги Тошкентда 1955 йилгача мавжуд бўлган юридик институтини тиклаш лозимлиги тўғрисида фикр билдиришган эди ва бу иш ижобий ҳал бўлмоқда. Бугунги кунда республикамизда юридик фанлар борасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзолари, ўнлаб фан докторлари, юзлаб фан номзодлари етишиб чиқди. Аммо жумҳуриятимизда ҳуқуқшуносликка оид бирорта журнал ёки газета йўқ.

Украинада «Радянское право», Грузияда «Сабчота самартали», («Совет ҳуқуқи») каби журналлар нашр қилинади. Нима учун йигирма миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган республикамизда ҳуқуқ журнали йўқ, деган ҳақли савол туғилади!

Жумҳуриятимизда бўлган ва бўлаётган кўпгина ҳуқуқий бузилишлар, гражданларнинг ҳуқуқий фаоллиги сустлиги сабабларидан бири ҳам ана шундан бўлса ажаб эмас. Бизнинг фикримизча, жумҳуриятимизда ўзбек тилида ойда бир марта нашр қилинадиган 5,6 босма тобоқ ҳажмида бўлган, илмий-оммабоп характердаги «Ҳаёт ва ҳуқуқ» номли журнал чиқарилса яхши бўларди.

Ойнома ЎзССР Адлия вазирлиги, ЎзССР Прокуратураси ва Олий Суди, ЎзССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва Ҳуқуқшунослик институтининг органи бўлиши ҳам мумкин.

Унда илмий мақолалар, янги қонунлар юзасидан илмий-амалий шарҳлар, ҳуқуқий ҳаёт, қонунчилик обзори, суд очерклари ҳам босилиши мумкин. Жумҳуриятимизда мана шундай журнал ташкил қилиш ва уни реал амалга ошириб бориш учун етарли илмий-интелектуал база мавжуд. Ўйлаймизки, бундай оммабоп журнал «Союзпечать» киоскаларида ҳам сотилмасдан туриб қолмайди. Чунки ҳуқуқий масалаларга қизиқмайдиган, уни ўрганишга интилмайдиган киши жуда кам бўлса керак.

Мазкур журналнинг нашр қилиниши жумҳуриятимизда ҳуқуқшунослик илмини, юридик амалиётни, прокуратура, суд тажрибасини ва ҳуқуқий билимларни оммалаштириш масаласи ижобий ҳал этилишига ёрдам беради.

Ойнома ҳар бир ўқувчининг маслаҳатчисига айланиб қолишига ҳеч шубҳа йўқ.

З. Ю. МУҚИМОВ,

А. Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Жумҳуриятнинг енгил саноат уюшмасига қарашли Самарқанддаги 8 Март бирлашмаси меҳнат аҳли иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор фаолият кўрсатиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Натижада фойда салмоғи ортиб, корхона меҳнаткашлари ижтимоий аҳволини ўнглаш учун қулай имкониятлар туғиляпти. Хўш, бирлашма раҳбарлари имкониятлардан қандай фойдаланишмоқда! Олинган фойда қайси мақсадларга сарфланяпти!

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

— Аввало, шуни айтиш керакки, — дейди бирлашма бош директори Г. Погосов, — ижтимоий соҳадаги тадбирларимизни корхона касаба союз ташкилоти, меҳнат жамоалари вакиллари, иқтисодчилар ва етакчи мутахассислар билан келишган ҳолда олиб боряпмиз. Ҳозирги қийин вазиятда барча тоифадаги ишчи-хизматчиларимиз шароитларини яхшилаш биз учун жуда муҳим. Шу боис белгилаган тадбирларимизнинг катта қисмини ушбу йўналишга қаратганмиз.

Дарҳақиқат, бош директор ҳақ гапни айтди. Масалан, шу йилнинг апрель ойидан бошлаб корхонанинг ҳар бир ишчисига 60 сўмдан компенсация тўлови жорий этилди. Бунинг учун бирлашма ички ҳисобидан 1991 йилга мўлжаллаб 4,5 миллион сўм ажратилди. Ойлик маошлар ҳам бирмунча оширилди. Бир ишчининг квартал мобайнидаги ўртача даромади ўтган йилги 174 сўм ўрнига бу йил 300 сўмдан тўғри келди.

Илгари бирлашма ишчилари бепул нонушта ва имтиёзли тушлик овқат билан таъминланган бўлса, эндиликда уларга овқат учун компенсация тўлана бошланди. Бу мақсадларга шу йил учун бир миллион сўм ажратиладиган бўлди.

Бирлашмада кўп болали ва кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларга моддий ёрдам бериш билан бирга, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриш, жумладан, байрамларда, туғилган кунида хонадонига бориб табриклаш одат тусига кириб қолди. 1991 йилнинг тўрт ойи мобайнида ишчи-хизматчиларга қарийб 22 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Айниқса, корхона ишчиларининг фарзандларига қулайликлар яратиш учун бор имкониятлар ишга солинди. Бирлашмага қарашли учта боғча-яслида 427 кичкинтойбепул тарбияланадиган бўлди. Уларнинг овқатланиши учун сарфланаётган қўшимча ҳаражатлар ҳам корхона ҳисобидан қопланди. Ўтган йили болаларнинг пионер лагерларида дам олишлари учун 3 минг сўм ажратилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткични икки-уч баравар ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхона тармоқ санаторий-профилакторийсига эга бўлиб, унда ҳар йили 1000 дан кўпроқ киши саломатлигини яхшилаб олади. Ҳозир мазкур шифо масканига берилаётган йўлланма ошиқча нархларини бирлашма ўз ҳисобидан қоплаяпти. Жумҳуриятимиз ва Иттифоқдаги санаторийларга, шифохоналарга ва турли сайёҳлик маршрутидаги ороғмоҳларга бораётган ишчиларга эса 50 фоиз арзон нархдаги йўлланмалар ажратилмоқда.

Бу ерда йўлга қўйилган яна бир янгилик шундан иборатки, корхона Иттифоқнинг турли минтақалари билан мол айирбошлаш (бартер усули) орқали ўз ишчи-хизматчиларини истеъмол буюмлари, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари билан таъминлашга интиляпти. Масалан, ўтган йили Пермь вилоятидан 100 тонна картошка, Волгограддан 15 тонна гуруч, Шарқий Қозоғистондан 4 тонна цемент, Набережние Челни шаҳридан 5 дона КамАЗ юк автомашинаси ва Усть-Илимдан 500 куб метр ёғоч-тахта шу йўсинда сотиб олинди. Маъмурият бу йил ҳам шу каби иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Нарх-наво ошиб бораётган бир пайтда корхонада ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга, имконият даражасида ишчи ва хизматчиларни гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилиняпти. Ҳозир ёрдамчи хўжаликда соғин сигирлар боқилиб, улардан олинган сут маҳсулоти бирлашманинг Иштихон районидаги филиали меҳнатчиларига юборилиняпти.

Хулласа, корхонада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Зотан, бу ерда ўрганса, ўрнак олса арзийдиган тажрибалар, хайрли ишлар кўп. Бу йўналишдаги барча ишлар меҳнат кишисининг фаровонлигини ўйлаб қилинмоқда.

А. ОРТИҚОВ.

• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«СУКУНАТ ТОКАЙГАЧА?»

Рўзномамизнинг шу йил 16 апрель сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Қўқон шаҳри шифокорлари тишларни оғриқсиз даволаш, шунингдек, сунъий тишларни беморларнинг ўз табиий тишларидан деярли фарқ қилмайдиган қилиб қўйишда катта муваффақиятларга эришаётгани, лекин бу эзгу ишни амалга ошириш учун шифохона қурилиши сансалорликка солинаётгани танқид қилинганди. Шу хусусида ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИдан жавоб олинди:

— **Мақола вазирлик томонидан муҳокама қилинди. Дарҳақиқат, 1987 йилда Қўқон шаҳар стоматология поликлиникаси қошида жумҳурият тиш имплантологияси маркази ташкил қилинган бўлиб, у замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланган.**

Аммо ушбу марказ учун махсус лойиҳалаштирилган касалхона биноси қурилиши чўзилиб кетмоқда. Ушбу масалада мақолада қайд этилган «сансалорликка барҳам бериш учун вазирлик Фарғона вилояти ижроия қўмитаси ҳамда Қўқон шаҳар ижроия қўмитаси билан биргаликда иш олиб бормоқда.

Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қўқон шаҳар стоматология поликлиникаси ва шу шаҳарда жойлашган тиббиёт билим юрти ўқув базаси асосида тиш техниклари мутахассисларини махсус тезлаштирилган дастур асосида тайёрлаш бўйича пуллик курсин очиш мўлжалланмоқда.

Махсус стоматология ҳамшираларини тайёрлаш масаласи шу мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастури қабул қилиниши билан кўриб чиқилади.

* * *

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақолада касалхона учун Қўқон шаҳар Кенгаши жумҳурият маркази бўлгандан кейин Соғлиқни сақлаш вазирлиги маблағ ажратсин, деб, вазирлик эса, поликлиника Қўқон шаҳри аҳолисига хизмат қилгани учун маҳаллий ҳокимият маблағ ажратсин, деб бир-бирига солганди. **Афсуски, жавобдан маълум бўлишича, бу масала ҳамон очиқ турибди.**

Бундан ташқари Қўқон шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси юборган жавоб, айниқса, таажжубланарлидир. Унда мақолада кўрсатилган муаммо ҳал этилгани ёки этилмагани ҳақида маълумот берилиши ўрнига ўтган йили стоматология поликлиникасида қилинган ишлар баён этилган. Келгусида кўз касалликлари диспансери, болалар юқумли касалликлари шифохонаси қурилиши режалаштирилгани айтилган. Аммо стоматология касалхонаси қачон қурилиши ҳақида аниқ гап йўқ.

Наҳотки халқ саломатлиги йўлида хизмат қиладиган атиги 60 ўринли шифо маскани қурилишини тезлатиш шунчалик қийин бўлса...

• *Президент Фармони қандай бажарилмоқда?*

ХОНАДОНИНГИЗГА ГАЗ КЕЛТИРИЛГАНМИ?

Қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг ҳозирги шакли бўлмиш президентлик бошқарувининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб қолди. Яқин-яқин вақтларгача жуда кўп яхши қарорлар қабул қилинар, лекин улар бажарилмай, қоғозда қолиб кетарди. Раҳбарлар учун энг муҳими қарор қабул қилиш эди, бу қарорларнинг бажарилиши ҳеч кимни қизиқтирмасди.

Ҳозир эса аҳвол бошқача. Президент бирор фармонга имзо чекаётган пайтда халқ турмушининг шу соҳаси яхшиланиши учун шахсий масъулиятни бутун халқ олдида ўз зиммасига олади. Бинобарин, қарорнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигига у бефарқ қарай олмайди. Айни шу сабабли турли комиссиялар пайдо бўлди, улар фармонларнинг ижросини мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Ана шулардан бири — жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармон амалга оширилиши билан шуғулланмоқда. Бу комиссиянинг навбатдаги мажлисида ана шу фармон Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқариб борди.

Комиссия Президент фармонини бажариш ҳали ҳам кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлади. Масалан, Самарқанд вилоятида биринчи ярим йилликда 181,4 километр газ тармоқларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлса, беш ой ичида 128,8 километри фойдаланишга топширилди. бу эса топшириқнинг 75 фоизини ташкил этади. Бухоро вилоятида 144 километр ўрнига 99 километр газ тармоқлари ишга туширилиб, топшириқ 69 фоиз бажарилди.

Иккала вилоят вакиллари комиссияни ярим йиллик охиригача топшириқ бажарилади, деб ишонтирган бўлсалар ҳам, бу ваъдаларга ишонч билан қаралмади. Бундай қолоқликни бир ой ичида тугатиш мумкинлигига комиссия аъзолари ҳақли равишда шубҳаландилар.

Жумҳурият Уй-жой-коммунал хўжалик вазирлигининг «Ўзбекгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлинмалари ўз вазифаларини уддалай олмаётганлиги айниқса ташвишлидир. Чунки шаҳарларда, қўрғонларда ва қишлоқларда газ тақсимлаш тармоқларини қуриш ишларининг асосий қисмини шу бўлинмаларнинг жамоалари бажариши керак. Айни шулар газ плиталари, сув иситиш қурилмалари ва қозонлар ўрнатиб, хонадонларни газлаштирадилар. Лекин бу топшириқларни бажариш мунтазам барбод бўлмоқда.

Халқ хўжалиги режасига киритилган иншоотлар қурилиши барбод бўлаётганлиги айниқса ёмондир. Хуллас, газ тармоқларининг каттагина қисми хўжалик усулида, кооперативлар томонидан, бевосита шартномалар асосида қурилмоқда. Шундай бўляптики, ҳозирги пайтда белгиланган режаларни ҳеч ким бажариш ниятида эмас.

Мисол учун жумҳурият Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг қудратли қурилиш ташкилотини олиб кўрайлик. Унинг бўлинмалари «Ўзбекгаз» буюртмасига биноан биринчи ярим йилликда учта вилоятда 150 километрдан ортиқ газ тармоқларини ишга туширириши лозим эди. Аммо монтажчилар ўз иншоотлари яқинига йўлаганлари ҳам йўқ. Шундан кейин давлат интизоми ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Хўш, нима учун аҳвол бундай? Одамлар турмушини яхшилашга қаратилган фармон нима учун жуда секин бажарилмоқда? Вилоятларнинг, идораларнинг вакиллари ўзларини оқлашга уриниб, ҳамма айбни моддий-техникавий таъминотдаги қийинчиликларга ағдармоқчи бўлдилар. Соддароқ қилиб айтганда, қувурлар, арматуралар ва бошқа материаллар йўқлиги сабабли иш секин кўчмоқда, дейишди.

Бу гаплар қисман тўғри. Бундай изоҳларнинг «ҳақлигини» тасдиқловчи рақамларни келтириш мумкин. Аммо бу рақамларни келтиришга ҳожат бормикан? Чунки бундай эътирофлар ана шу раҳбарлар ўз ишини қайта қура олмаётганликлари, янгича ишлай олмаётганликларини кўрсатади, холос.

Ҳолбуки маъмуриятчилик-буйруқбозлик тизими ўтмишга айланаётганлигини тушуниб оладиган пайт келди. Эндиликда мамлакат Давлат режа комитети билан Давлат моддий-техника таъминоти комитетининг кўрсатмалари маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда аввалгидек ҳурмат билан қатъий олинмайди. Хуллас, фондлар, лимитлар ва режали иқтисодиётнинг бошқа жиҳатларига умид боғламаслик керак.

Бозор иқтисодиёти усулларидан фойдаланиб иш бошлайдиган пайт келди. Бунинг маъноси шундаки, зарур материаллар ва механизмларни етказиб берувчиларни ўзлари топиб улар билан бевосита шартнома тузиш, зарур бўлса бевосита мол айирбошлашдан фойдаланиш керак. Самарқанд вилояти ҳам, Бухоро вилояти ҳам хоҳласа маҳсулот етказиб берувчиларни, эвазига шу вилоятлардан маҳсулот олишни хоҳловчиларни ҳамиша топа оладилар. Бунинг устига мамлакатда ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб бўлмаса ҳам ўнлаб товар-ҳом ашё биржалари ишлаб турибди. Зарур материалларни ана шу биржалардан излаш керак.

Ана ўшанда жумҳурият Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув «Ўзбекгаз» бўлинмалари орқали газ плиталари, сув иситадиган колонкалар ва қозонлар бозор фондларини сотишга чиқариб, шу йўл билан бозорни маҳсулотсиз қолдиришларига ҳожат бўлмайди.

Янгича шароитда ишлаш осон эмас, албатта. Чунки ҳозир маҳсулот етказиб берувчи муайян заводларга биркитиб қўйиш яхши натижа бермаяпти. Бундай завод мамлакат Давлат режа комитетининг ҳар қандай фармойишини назарписанд қилмаслиги мумкин. Аммо бозор муносабатлари яқинлашмоқда. Биз унга қанчалик тайёр бўлмайлик, айниқса руҳий жиҳатдан қанчалик тайёр бўлмайлик янги шароитда ишлашга ўрганишимиз керак.

Ю. БОНДАРЕНКО,
ЎзТАГ мухбири.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Гулистон уйсозлик комбинатида таъмирлаш ишлари бошланди. Бу ерда, энг аввало конвейер линиялари, металл қолиплар такомиллаштирилади. Ишларнинг ҳаммаси хўжалик усулида амалга оширилмоқда. Таъмирлаш ишларида Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги механизациялаш бошқармаси, Тошкент шаҳридаги бир қанча лойиҳа илмгоҳларининг жамоалари қатнашмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим участкаси — бетон қориш узелида ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Гулистон уйсозлик комбинатида таъмирлаш ишлари тугаши билан ишлаб чиқарилаётган блоклар сифати анча яхшиланади.

ЗАВОД ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛМОҚДА

Шўрчи район марказида резина-техника буюмлари заводи қуриладиган бўлди. Ленинграддаги «Эласт» давлат лойиҳа-конструкторлик илмгоҳининг мутахассислари уни лойиҳалаштира бошладилар. Йилига 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхонада халқ истеъмоли моллари: калишлар, шланглар, хўжаликда ишлатиладиган бошқа зарур буюмлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Янги корхона ишга туширилиши билан қўшимча равишда 350 га яқин иш ўрни вужудга келтирилади, бу эса аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Корхона қурилишини 1993 йилда тугаллаш режалаштирилган.

(ЎзТАГ мухбирлари).

АЛЕКСАНДР АБРАМОВИЧ БЕРЛИН

Ўзбек совет мусиқа санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг доценти, СССР Бастакорлар уюшмасининг аъзоси, бастакор Александр Абрамович Берлин 61 ёшида вафот этди.

А. А. Берлин 1930 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йилда Тошкент давлат консерваториясининг бастакорлик бўлимини битиргандан сўнг ижод билан фаол шуғуллана бошлади. «Тўй куни», «Қирол майдони эртаги» опералари, «Сув ҳақида қисса», «Мойдодир», «Гўзал Василиса» балетлари, «Менинг баҳорим қалдирғочи» мусиқий комедияси унинг қаламига мансубдир. Драма спектакларига мусиқалар унинг ижодида алоҳида ўрин тутди, у 93 спектаклга мусиқа ёзди.

А. А. Берлин бир қатор симфоник, вокал-симфоник асарлар, халқ мусиқа асбобларида ижро этиш учун асарлар, камер асарлар, кинофильмларга мусиқа қўшиқлар ва романслар яратди. У Ўзбекистон мусиқа санъатини ривожлантиришга, ёш авлодни эстетик жиҳатдан тарбиялашга кўп куч ва ғайрат сарфлади.

А. А. Берлин ижодкорлик ва тарбиявий ишни фаол мусиқий-ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб борди. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси бошқарувининг аъзоси, СССР Мусиқа арбоблари уюшмаси марказий бошқарувининг аъзоси, СССР Бастакорлар уюшмаси тафтиш комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон мусиқа жамияти бошқарувининг аъзоси этиб сайланган эди. У ўзига нисбатан талабчанлиги, юксак фуқаролик мавқеи билан ажралиб турар эди. Жумҳурият мусиқа санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун А. А. Берлинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилган эди.

Ажойиб бастакор, сезгир инсон, коммунист Александр Абрамович Берлиннинг ёрқин хотираси унинг истеъдоди муҳлисларининг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

К. Юсупов, Э. Самандаров, Б. Назаров, Н. Ғойибов, А. Жабборов, Б. Қорнева, М. Қаюмов, Э. Солиҳов, О. Юсупова.

ТАРИХНИ ТУШУНИШ МАСЪУЛИЯТИ

ТошДД снёсий тарих кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Аҳмаджон АЗИЗХОНОВ билан мулоқот.

— Мураккаб ва кўп жиҳатдан қарама-қаршиликларга бой бўлган ҳаётимизнинг барча соҳаларини қайта қуриш жараёнида ижтимоий онгнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолган тарихнинг роли тобора ортиб кетди. Тарихий воқеалар ва ҳодисаларни тушунмай туриб иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар ясаш мумкин эмас. Ўтмишнинг нохуш ҳолатларини ҳисобга олиб, халқ хўжалигини ҳақиқий ҳаракатга солувчи янги механизмларни барпо қилиш, шулар асосидагина ҳақиқий демократияга эришиш мумкин. Шундай эмасми, домла?

— Албатта. Айниқса, шуни унутмаслик керакки, қайта қуриш, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги йилларида жамиятимиз аъзоларининг сиёсий фаоллиги кескин ошиб кетди. Қайта қуриш ва демократиялаштиришнинг бугунги кундаги шароити ва барча зиддиятлари ёш авлоддан, биринчи навбатда олий маълумотли мутахассислардан мамлакат ичидаги, бутун дунёда рўй бераётган воқеалар ва муаммолар гирдобида инсоният тараққиётининг XX асрдаги ривожланиш тенденцияларини тўғри тушунишни талаб қилади.

Шунинг учун сиёсий тарих курсини фан сифатида ўрганиш жамиятшунос учун ҳам, табиатшунос учун ҳам замонавий мутахассис сифатида бирдек зарур. Чунки бугунги ижтимоий тараққиёт жараёнида бирламчи ўринни инсон эгаллайди. Демак, бўлажак олий маълумотли ходим, тарихда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғри идрок қилиши керак, амалий муаммоларни тўғри ечишнинг калитини топиши, олдимизда турган ижтимоий-сиёсий вазифаларни англай билиши ва ҳал қилиши лозим.

Сиёсий тарих фани олий ўқув юртлари учун янги фан. Сабаби илгари ўрганиб келинган КПСС тарихи фақат бир партиянинг дастурини, тарихини, Уставини ва амалий фаолиятини ёритган бўлса, сиёсий тарих фанида деярли ҳамма сиёсий партиялар ва сиёсий оқимлар тарихи, уларнинг фаолияти, жаҳон, иттифоқ ва жумҳуриятимиз сиёсий тарихи ҳам ёритилади. Мазкур курсни ўрганиш жаҳон тарихининг турли босқичлари умумий қонуниятларини ҳамда хусусий томонларини аниқлаб олиш кўникмасини беради.

Ҳамсуҳбатимиз А. Азизхонов асли ишчи оиласидан чиққан. Кейинчалик партия ходими бўлди. Профессор даражасигача кўтарилиб, ҳурмат топди.

— Сиёсий тарих фанининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда Сиз бошчилик қилаётган кафедранинг фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Бу фанни ўқитиш режалари энди тасдиқ бўлди. Шу вақтгача талабалар учун дарслик, адабиётлар, методик қўлланмалар йўқлиги катта қийинчиликлар туғдирарди. Ўзимиз тасдиқлаган режа бўйича маърузалар, методик қўлланмалар тузиб, нашр этишга ҳаракат қиляпмиз. Бу соҳада ҳам тўсқинликка дуч келдик. Архив материаллари, манбалар йўқлиги, архивлар ўз фондларини очмаганлиги ишнинг белига тепмоқда. Аммо бу қийинчиликларга қарамасдан кафедрамиз ўқитувчилари мисқоллаб йиғаётган манбаларни умумлаштириб дарс ўтдик. Иккинчи қийинчилик шундан иборатки, марказда ва бошқа айрим жумҳуриятлардаги олий ўқув юртлари чиқараётган методик қўлланмалар бизга тўғри келмайди. Шунинг учун кафедра ўқитувчилари иштирокида методик қўлланмаларни ўзимиз ёзишга мажбур бўлмоқдамиз. Бу ерда энг муҳими, Ўзбекистон сиёсий тарихини талабаларга муайян йўналишда ўргатишимиз лозим. Шу мақсадда ҳозир талабалар учун махсус методик қўлланмалар тайёрланяпти. Бу ишларни бажаришда кафедрамиз профессорларидан А. Ҳ. Ҳамидхўжаев, В. И. Шаповаленко, доцентлардан Э. Султонов, А. Қўшчонов, К. Зиятов, И. Иброҳимов, Э. Длугошек, В. Гентшке ва бошқалар фаоллик кўрсатмоқдалар.

Шу пайт кафедранинг ёш ўқитувчиларидан тарих фанлари номзоди Султонхўжа Орифхўжаев суҳбатга қўшилди:

— Кафедрадаги ўқув жараёнлари, методик қўлланмалар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш осон эмас, — деди Султонхўжа. — Бу борада устозимиз, кафедрамиз мудири барчага ўрнак бўлмоқда. Аслини олганда, домламизнинг кўп йиллик илмий-педагоглик фаолиятининг ўзи ёшларга ибрат. Аҳмаджон ака Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентдаги 84-заводда ойлаб цехдан чиқмасдан ишлагани ҳақида ҳануз тенгдошлари гапириб юрадилар. Ўша фидойилик учун унинг номига Давлат мудофаа комитети раисидан келган раҳматнома телеграммаси ҳамон музейда сақланмоқда.

Тошкент шаҳар, сўнг область партия комитетлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратларида масъул ходим бўлиб ишлаганлиги, 1971-1985 йилларда ТошДД кечки ва сиртқи бўлимларига проректорлик қилгани доманинг илмий-ижодий тафаккурини бойитган, ташкилотчилик қирраларини чархлаган, албатта.

Охирги ўн йиллардан бери у киши дорилфунун қошида иш олиб бораётган номзодлик диссертацияларини ёқлаш махсус илмий кенгаши раиси. Шу даврда юздан ортиқ фан номзодлари тайёрланди. Тожикистон дорилфунуни сиёсий тарих кафедраси доценти К. Холиқов, бухоролик М. Нуриллаева, Тошкент Давлат дорилфунуни сиёсий тарих кафедраси катта ўқитувчиси А. Л. Лешенколарнинг диссертация ёқлашлари ниҳоятда ҳаяжонли ўтган. Илмий-педагогик фаолияти давомида А. Азизхонов жами 62 босма табоқдан иборат иккита монография ва 12 та алоҳида брошюра тайёрлади. В. И. Ленин асарларини ўрганувчи студентлар учун методик тавсияларга муҳаррирлик қилди.

— Албатта, инкор қилиб бўлмайдиган фикр шуки,— дейди профессор, — демократиялаш, ошкоралик йилларида партиямиз ўз фаолиятида кўп ўзгаришлар қилди. Лекин унинг фаолиятида хато ва камчиликлар ҳам бўлди. Бу сиёсий воқеаларни холис таҳлил этиш, Компартия ва бошқа сиёсий партиялар, оқимлар фаолиятини холисона ёритиб бориш осон кечмади. Бу ишларни яхшироқ амалга ошириш ва олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш учун истеъдодли ёшларни жалб этяпмиз.

А. АБДУБАННОПОВ.

Намангандаги бадиий буюмлар фабрикаси ишчилари истеъмол бозорини харидорбоп маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилишяпти. Ҳозир бу ерда сўзана, белбоғ, чойшаб ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

СУРАТДА: фабрика попончилик цехи бош устаси М. Мусабоева шогирди Н. Қаюмова бажараётган иш сифатини кўздан кечираётир.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Ойномаларнинг янги сонларида

«МУЛОҚОТ»

Жариданинг навбатдаги июнь сони «Ҳамма гап ўзимизда» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Унда халқимизнинг тарихига оид долзарб фикрлар олға сурилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳайдар Пўлатовнинг «Ўзбек мафкураси» номли мақоласи кейинги йиллардаги унинг аҳволи ва қандай йўл билан ўнглаш масалаларига қаратилган. Ҳар галгидек «Ўзбекни ўзбек қилиб турганлар» рукни остида давра суҳбати берилган. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин, тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев ўтмишга муносабат ва тарихий ҳақиқат мавзуида суҳбат ўтказишган.

Мақсуд Қориевнинг «Маънавият — ижтимоий эҳтиёж» сарлавҳали мақоласи ҳам шу сондан ўрин олган. Муаллиф бу чиқишида бугунги кунимиздаги ғоявий чалкашликлар, қабул қилинаётган қарорларнинг ўз вақтида бажарилмаётганлиги хусусида фикр юритади. Бу йил—Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган. Қутлуғ сана муносабати билан жаридада И. Шамсимуҳамедовнинг «Навойнинг ҳайрия ишлари» мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф буюк ўзбек шоири фаолиятининг адабиёт мухлислари учун номаълум бўлган қирраларини очишга ҳаракат қилган.

Ш. Бўтаевнинг «Иқтисодий таназзул сабоқлари» ва Ҳ. Иброҳимовнинг «Турмуш ташвишлари» мақолалари бугунги куннинг энг муҳим муаммоларини қамраб олган. Э. Эрназаровнинг «Тўртинчи ҳокимият» деб аталган мақоласида эса қайта қуриш даврида матбуотнинг тутган ўрни изчил очиб берилган.

Жариданинг мазкур сонидан ўрин олган О. Усмоннинг «Вақдат шаробини ичдим», А. Ирисовнинг ««Мантиқшунос аллома», Т. Файзиевнинг «Темурийлар тақдири» сарлавҳали мақолалари тарихий мавзуга бағишланган. Муаллифлар ўз чиқишларида тарихга янгича нуқтаи назар била ёндашиб, мозийнинг биз учун қоронғи бўлган томонларини ёритишган.

«Еттинчи саҳифа меҳмони» рукни остида берилган суҳбатда таниқли олим Азиз Қаюмов фаолияти билан танишиш мумкин. Муштарийлар шунингдек, «Мулоқот» дафинаси» рукни остида берилган саҳифаларда фойдали маслаҳатлар ва ғаройиб воқеалар билан яқиндан танишишлари мумкин.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

ИСТАГАН ИМКОН ТОПАР

Қайта қуриш нафаси, бозор иқтисодиётига ўтиш даври жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида ҳам ўзига хос ифода топмоқда. Маълумки, касаба уюшмалари меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат ўнумдорлигини ошириш омили саналган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларига мутасаддилардан саналади.

Сирасини айтганда, кейинги йилларда касаба уюшмалари спортчилари ҳаётида ҳам бир мунча қийинчиликлар юзага келди. Бу ўз навбатида касаба уюшмалари бюджети замонга хос шаклланиши, яъни маблағни беҳуда сарфламаслик, иқтисод қилишга кўпроқ эътибор берилаётгани, қолаверса, ишлаб чиқариш корхоналарининг жисмоний тарбияни ривожлантириш ва оммавийлаштириш учун ажратмалари нисбатан камайгани билан боғлиқдир. Оқибатда жисмоний тарбия ташкилотчилари «мартаба»сини янгилаш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини маблағ билан таъминлашни камайтиришга тўғри келяпти.

Зеро, ҳар қандай шароитда ҳам жисмоний тарбия оммавийлигини барқарор сақлашга ва уни тарғиб қилиб туришга тўғри келади. Муҳими қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолиш, жисмоний тарбия ва спортни турмушга кўпроқ сингдиришдан иборат. Ҳозир касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятлари 23 жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплексидан иборат бўлиб, халқ хўжалигининг 32 тармоғини қамраб турибди. Касаба уюшмалари спортчилари олдида ўзига хос синовлар бор. У ҳам бўлса, қишлоқ хотин-қизларининг жумҳурият XVI спартакиадаси ва биринчи марта ўтказиладиган ишчилар спартакиадасига шайланишдан иборат.

Истаган имкон топади, деганларидек, қийин шароитда ҳам болалар уйлари, интернатлар ва спорт мактабларини ҳайрия тариқасида кийим-кечаклар ва спорт ускуналари билан таъминлашга ҳаракат қилиняпти. Агар ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳомийлик қилишга шайланган ташкилотлар, қолаверса, жисмоний тарбия уюшмалари астойдил изланишса мақсадга мувофиқ бўларди. Фарғонада касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти вилоят Кенгаши хайрли ишга қўл урди. Спорт кийим-кечаклари фабрикасининг ишга туширилиши айни муддао бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти республика Кенгашининг пленумида ана шундай муаммолар алоҳида таъкидланди. Пленумда мазкур Кенгаш раиси В. Бойко маъруза қилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятлари Бутуниттифоқ кенгаши раиси Б. Н. Рогатин нутқ сўзладилар. Пленум шу йил Ўзбекистон касаба, уюшмалари кўнгилли спорт жамиятлари съездини чақиришга қарор қилди.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● КУРАШ. Запорожьеда СССР халқлари Х спартакиадаси дастури бўйича юнонрумо кураши мусобақасида тошкентлик Ғ. Абдуллаев иккинчи ўринни эгаллади.

● ОҒИР АТЛЕТИКА. Австрияда жаҳон кубоги учун мусобақада тошкентлик Игорь Содиқов икки курашга кўра 392,5 килограмм натижа билан ғалаба қозонди.

● ФУТБОЛ. СССР кубоги учун ҳал қилувчи учрашув Москва торпедочилари билан армиячилари ўртасида бўлди. ЦСКА 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, 36 йиллик танаффуздан кейин биллур совринни қўлга киритди. Учрашувдан кейин уйига қайтаётган армиячилар дарвозабони М. Еремин кутилмаганда автомобиль ҳалокатига учраб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

КЎРГАЗМАДА ОЗАРБАЙЖОН ГИЛАМЛАРИ

«Халча» сўзи озарбайжончасига гилам дегани. Озарбайжонда гиламдўзлик санъати жуда яхши ривожланган. Шу сабабли ҳам у ерда тайёрланган гиламлар ранг-баранглиги, чиройлилиги билан ажралиб туради.

СССР Халқлари дўстлиги музейида шундай гиламларнинг ўзига хос кўргазмаси очилди. Бу ерга ташриф буюрганлар XIX асрнинг охирлари ва XX асрда қўлда тўқилган гиламларни томоша қиладилар. Шуниси диққатга сазоворки, Германия, Япония, Испания, Туркия, Бельгия, Ҳиндистон ва Голландияда бу гиламлар кўргазмасига қизиқиш катта бўлган. Кўргазмалар ичида кейинги даврда яратилганлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Уларнинг муаллифлари Латиф Қаримов, Комил Алиев, Гулмурод Бобуров каби қўли гул гиламдўзлар ўзининг ҳар бир яратган асарида тарихий анъаналарни сақлаб қолишга эриша олган.

Туксиз гиламлар, гиламларнинг номланиши ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, «Хонлиқ», «Сорсор» гиламлари жойларнинг номлари билан аталган. Шу билан биргаликда гиламларни номлашда услубига, нақшига ҳам эътибор берилади.

— Шунингдек кўргазмада мис буюмлари, кашталар, матолар, ҳаммаси бўлиб 60 га яқин экспонат бор, — дейди пойтахтдаги СССР Халқлари дўстлиги музейи мудирининг ўринбосари Клара Маъмурова. Бу экспонатлар Озарбайжон гиламлари ва халқ амалий санъати давлат музейи томонидан тортиқ этилган. Биз келгусида ҳам қардош республикалар санъатини тарғиб қилишни давом эттираверамиз.

Д. МУРОДОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУҲТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-87-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-45-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; безатиш—32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.00.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НИШОНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991 – 1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРНИНГ БИРИНЧИ КУРСИГА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ: тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш саноати машина ва ускуналари мутахассисликлари бўйича муҳандис-механиклар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари, тўқимачилик машинасозлиги.

ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ: табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари, пахтани дастлабки ишлаш машиналари ва ускуналари мутахассисликлари бўйича муҳандис-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари: пахтани дастлабки ишлаш саноати машина ва ускуналари.

МЕХАНИКА-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ: табиий ва кимёвий толаларни йигириш мутахассислиги бўйича муҳандис-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пахта ва кимёвий толаларни йигириш, табиий ипак технологияси, материалшунослик ва тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш сифатини бошқариш.

ТЎҚУВЧИЛИК ВА ТРИКОТАЖ ФАКУЛЬТЕТИ: газламалар ва трикотаж технологияси мутахассислиги бўйича муҳандис-технологлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: газламалар технологияси, трикотаж технологияси.

ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ: тикувчилик буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш мутахассислиги бўйича муҳандис-технологлар ва муҳандис-конструкторлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: тикув буюмлари технологияси, тикув буюмлари конструкцияси.

Чарм буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш мутахассислиги бўйича муҳандис-технологлар ва муҳандис-конструкторлар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пойабзал технологияси, пойабзалларни конструкциялаш.

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ: пардозлаш ишлаб чиқариши кимёвий технологияси ва ускуналари мутахассислиги бўйича муҳандис-кимёгарларни тайёрлайди.

Ихтисосликлар: пардозлаш ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари.

Полиграфия ишлаб чиқариш технологияси бўйича муҳандис-технологлар тайёрлайди.

Ихтисослик: полиграфия ишлаб чиқариш умумий технологияси.

МУҲАНДИС-ИҚТИСОДЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ: тўқимачилик ва енгил саноат иқтисоди ва уни бошқариш мутахассисликлари бўйича муҳандис иқтисодчилар тайёрлайди.

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш, пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш.

КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича муҳандислар тайёрлайди:

— тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш саноати машина ва ускуналари.

Ихтисослик: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари.

— Табиий ва кимёвий толаларни йигириш.

Ихтисослик: пахта ва кимёвий толаларни йигириш.

— Газлама ва трикотаж технологияси.

Ихтисослик: газламалар технологияси.

СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича муҳандислар тайёрлайди:

— Табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари.

Ихтисослик: пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари.

Каноп толасини дастлабки ишлаш технологияси ва ускуналари.

— Табиий ва кимёвий толаларни йигириш.

Ихтисослик: табиий ипак технологияси: пахта ва кимёвий толаларни йигириш.

— Тўқимачилик, енгил ва маиший хизмат кўрсатиш саноати машина ва ускуналари.

Ихтисослик: пахтани дастлабки ишлаш саноати машина ва ускуналари.

— Газламалар ва трикотаж технологияси.

Ихтисослик: трикотаж технологияси.

— Тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

Ихтисосликлар: тикув буюмлари технологияси.

— Чарм буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш.

Ихтисослик: пойабзал технологияси.

— Полиграфия ишлаб чиқариш технологияси.

Ихтисослик: полиграфия ишлаб чиқариш умумий технологияси.

— Тўқимачилик ва енгил саноат иқтисоди ва уни бошқариш.

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш, пахта саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш:

НАМАНГАН ФИЛИАЛИДА

Наманган шаҳрида: қуйидаги мутахассисликлар бўйича муҳандислар тайёрлайди:

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари: газламалар технологияси: пахта ва кимёвий толаларни йигириш; тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш.

КЕЧКИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари, газламалар технологияси, пахта ва кимёвий толаларни йигириш.

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари, пахта ва кимёвий толаларни йигириш, газламалар технологияси.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИДА

Андижон шаҳрида: қуйидаги мутахассисликлар бўйича муҳандислар тайёрлайди:

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:

Ихтисосликлар: буюмларни кимёвий тозалаш, сақлаш ва махсус ишлов бериш технологияси, аҳоли буюртмаси бўйича трикотаж буюмларни тайёрлаш ва таъмир (ремонт)лаш, кийимларни тайёрлаш ва таъмир (ремонт)лаш, аҳоли буюртмаси бўйича пойабзал тайёрлаш ва таъмир-(ремонт)лаш.

СИРТҚИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:

Ихтисосликлар: буюмларни кимёвий тозалаш, сақлаш ва махсус ишлов бериш технологияси, аҳоли буюртмаси бўйича трикотаж буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш, кийимларни тайёрлаш ва таъмирлаш, аҳоли буюртмаси бўйича пойабзал тайёрлаш ва таъмирлаш.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИДА:

Марғилон шаҳрида: Қуйидаги мутахассисликлар бўйича муҳандислар тайёрлайди:

КЕЧКИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:

Ихтисосликлар: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари, табиий ипак технологияси, газламалар технологияси.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ:

ЎзССР олий ўқув юртларига ўрта маълумотга эга бўлган СССР фуқаролари, шунингдек СССР ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари қабул қилинади. Барча кирувчилар келиб чиқиши, жинси, тили, ижтимоий аҳволи, ирқий ва миллий мансублиги, эътиқоди, партиявийлиги, ёши, динга муносабати, меҳнатининг туридан ва яшаш жойидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

ҚАБУЛ ТАРТИБИ

Ариза (махсус шаклда) **танланган ихтисоси бўйича ректор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади:** ўрта ва олий маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси); 086/У шаклдаги тиббиёт маълумотномаси; 6 та фотосурат (3х4 см, ҳажмида); ишлаётганлар учун меҳнат дафтарчасидан ёки колхозчи меҳнат дафтарчасидан маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирма.

— Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги гувоҳномалар шахсан кўрсатилади.

ТАЪЛИМНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИ БЎЙИЧА

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

Кирувчи ўз хоҳишига қараб имтиҳонларни ўзбек ёки рус тилида топшириши мумкин.

Механика, механика-технология, муҳандис-иқтисодчилик, пахтани дастлабки ишлаш, трикотаж ва тўқувчилик, енгил саноат технологияси факультетлари мутахассисликларига кирувчилар учун математика (ёзма), физика (ёзма) — конкурсли, рус тили ва адабиёти ёки ўзбек тили ва адабиёти (ёзма), — (конкурссиз).

Кимё-технология факультетига кирувчилар учун — кимё (ёзма), математика (ёзма), танловли, рус тили ва адабиёти ёки ўзбек тили ва адабиёти (ёзма) — танловсиз.

Танловли кириш имтиҳонлари «5» балли система бўйича баҳоланади, танловсиз имтиҳонлар «топширди» ва «топширмади» системасида ўтказилади.

Мактабни ўзбек ва рус тилларида тамомлаган кирувчилар учун ўзбек ва рус тилидан кириш имтиҳони ўзбек ёки рус тилидан диктант кўринишида ўтказилади.

ЭСЛАТМА:

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юрти ёки ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирган шахслар битта кириш имтиҳонини топширадилар, чунончи:

кимё-технология факультетида кимёдан (ёзма), қолган факультетларга кирувчилар математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Агар улар топширилаётган имтиҳондан «беш» баҳо олсалар, қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва олий билимгоҳга қабул қилинадилар, борди-ю «тўрт» ёки «уч» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Пахтани дастлабки ишлаш; пахта саноати машина ва ускуналари: тўқимачилик саноати машина ва ускуналари: тўқимачилик машинасозлиги технологияси; пойабзал технологияси; пахта ва кимёвий толаларни йигириш; газламалар технологияси; табиий ипак технологияси каби ўта ноёб ихтисосликларга кирувчи ва қоиданинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзга эга бўлган шахслар (Тошкент шаҳрида) кириш имтиҳонлари ўрнига суҳбатдан ўтадилар.

Кўрсатилган 1, 2-бандлардаги тартиб ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатиб, эга бўлган касблари қабул қилинаётган мутахассисликларга мос бўлган шахслар учун жорий қилинади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кираётганда:

— олий ўқув юртида танлаган мутахассислиги мавжуд ўрта махсус таълимига мос бўлган ва шу мутахассислик бўйича ишлаётган муддати бир йилдан кам бўлмаган шахслар кириш имтиҳони ўрнига суҳбатдан ўтадилар.

— битта танловли кириш имтиҳонини «аъло»га топширганлар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар: бунда:

а) ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан тугаллаб ишлаб чиқаришда камида бир йил ишлаётганлар ёки кейинги 3 йил ичида заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар;

б) ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларини олий билимгоҳга танлаган касби бўйича имтиёзли диплом билан тугатганлар;

в) ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртини олий билимгоҳ касблари йўналиши доирасида имтиёзли диплом билан тугатиб, танлаган мутахассислиги ва унга яқинроқ соҳада камида бир йил ишлаганларга жорий қилинади.

АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ:

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

Аризалар 15 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 16 июлдан 31 июлгача, талабалар сафига қабул қилиш 5 августгача ўтказилади.

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА:

Аризалар 5 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2-даврада.

I давра — 10 июлгача.

II давра — 5 августдан 20 августгача.

Талабалар сафига қабул қилиш 27 августгача ўтказилади.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИДА

Кундузги бўлимга аризалар 15 июлгача, кечки ва сиртқи бўлимларга 5 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 16 июлдан 31 июлгача, кечки ва сиртқи бўлимларда 5 августдан 20 августгача ўтказилади.

Талабалар сафига қабул қилиш кундузги бўлимда 5 августгача, кечки-сиртқи бўлимда 27 августгача ўтказилади.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИДА

Кундузги бўлимга аризалар 15 июлгача, сиртқи бўлимга 5 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 16 июлдан 31 июлгача, сиртқи бўлимда 5 августдан 20 августгача, талабалар сафига қабул қилиш кундузги бўлимда 5 августгача, сиртқи бўлимда 27 августгача ўтказилади.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИДА

Аризалар 5 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 5 августдан 20 августгача. Талабалар сафига қабул қилиш 27 августгача ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келиб кундузги бўлимга кириш истагини билдирганлар кириш имтиҳонларини топшириш вақтида ётоқхонадан жой билан таъминланадилар.

ОЛИЙ БИЛИМГОҲ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳрида — 700100, Горбунов кўчаси, 5-уй (4, 7, 9, 24- 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 45 50-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати; 11-троллейбус; 32, 77, 173-автобусларнинг «Тўқимачилик олий билимгоҳи» бекати).

НАМАНГАН ФИЛИАЛИНИНГ МАНЗИЛИ:

716030, Наманган шаҳри, 3-микрорайон, Косонсой кўчаси, 7-уй.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ МАНЗИЛИ:

710019, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 39 а-уй.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ МАНЗИЛИ:

713015, Марғилон шаҳри, Ўзбекистон 25-йиллиги кўчаси, 238 а-уй.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»НИНГ ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1991 – 1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(702152, Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, почта бўлими)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш; озиқ-овқат товаршунослиги; тайёрловни ташкил қилиш ва ўсимликлар маҳсулоти товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; умумий овқатланиш технологияси ва умумий овқатланишни ташкил этиш, кооператив савдони ташкил қилиш; ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги; тайёрловни ташкил қилиш ва ўсимликлар товаршунослиги.

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(703027, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил қилиш; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил қилиш; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш; озиқ-овқат товаршунослиги.

БУХОРО КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(705004, Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 2-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; хўжалик-қонун ва кадрлар иши, кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги; тайёрловни ташкил қилиш, ҳайвон, тери, мўйна товаршунослиги;

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; хўжалик-қонун ва кадрлар иши; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги; тайёрловни ташкил қилиш, ҳайвон, тери, мўйна товаршунослиги.

БИЛИМ ЮРТИ

Ошпазлар; ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом-ашёлари билан савдо қилувчи сотувчилар; ноозиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом-ашёларини тайёрловчилар ва сотувчилар.

ФАРҒОНА КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(712019, Фарғона шаҳри, Коммунистлар кўчаси, 105-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги; китоб товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

БИЛИМ ЮРТИ

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотувчилари, назоратчи-кассирлар; қурилиш материаллари сотувчилари.

НУКУС КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(742001, Нукус шаҳри, Карл Маркс кўчаси)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

БИЛИМ ЮРТИ

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; назоратчи-кассирлар, ошпазлар.

ҚАРШИ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(730019, Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 52-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

БИЛИМ ЮРТИ

Ноозиқ-овқат сотувчилари; қишлов хўжалик маҳсулотлари сотувчилари; ошпазлар; нонвой-қандолатчилар; кундалик эҳтиёж моллар сотувчиси; тайёрловчилар.

ТЕРМИЗ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(732110, Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, 284-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

БИЛИМ ЮРТИ

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; ошпазлар.

АНДИЖОН КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(711110, Андижон вилояти, Олтинкўл ноҳияси, В. И. Ленининг 100 йиллик таваллуди номли кўча)

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: асбоб-ускуналарни созлаш ва техник хизмат кўрсатиш матлубот кооперациясида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологлари; гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил қилиш, кооператив савдони ташкил қилиш ва халқ истеъмол моллари товаршунослиги.

СИРТҚИ БЎЛИМ: умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил қилиш, кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиги; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиги.

БИЛИМ ЮРТИ

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотувчилари; қурилиш материаллари сотувчилари; ошпазлар; нонвой-қандолатчилар; назоратчи-кассирлар; ошпаз-официантлар; автомобилни бошқара оладиган тайёрловчилар.

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210-уй)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчилар; автомобилни бошқара оладиган сотувчилар; назоратчи-сотувчилар; ошпаз-нонвойлар; нонвойлар; буфетчи-барменлар-официантлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи; автомобилни бошқараоладиган тайёрловчилар; ошпаз-қандолатчилар; қандолатчилар; нонвой-қандолатчилар.

СИРДАРЁ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(707000, Гулистон шаҳри, 4-микрорайон)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; ошпазлар; нонвой-қандолатчилар; назоратчи-кассир-сотувчилар.

НАМАНГАН КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(717223, Наманган вилояти, Косонсой ноҳияси, Қуқумбой қишлоғи)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қандолатчилар; ошпазлар; автомобилни бошқараоладиган тайёрловчилар.

ЖИЗЗАХ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(708014, Жиззах шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчилар; ошпазлар; нонвой-қандолатчилар; назоратчи-кассирлар.

№ 121. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12